

2007 – Ижтимоий ҳимоя йили



Ўзбекистоннинг гўзал табиати ҳақида гап борганида мағрур тоғлар, ана шу тоғу тошни макон тутиб, уни бог-бўстонга айлантираётган тоғлиқлар кўз олдингизга келса ажаб эмас. Бугунги суҳбатдошимиз тоғ бағридаги сўлим Эртош қишлоғида ота-боболари чироғини ёқиб, эзгу амалларини давом эттириб келаётган кекса педагог, меҳнат фахрийси Усмонали Исабеков бўладилар.

ЭЛГА ҚАЙИШГАН ҚАДР ТОПАДИ

– Мени ушбу суҳбатга ундаган улғу бир ҳикмати сўзлай, – дейди Усмонали ота ҳаяжон билан. – Одий қишлоқ ўқитувчиси ҳаётимда рўй берган биргина қувончи воқеани эслатиб, инсонпарварлик тамойиллари устувор бўлган жамиятимизда одамларга меҳр-мухаббатни, адолатли сиёсатни таъкидламоқчи эдим. 2006 йили техника университетида ҳужжатларини топширган набирам бағи етмай, ўқишга қабул қилинмай қолган, мен эса ҳам отаси, ҳам онасидан беватт жудо бўлган кўнгли ўқиски жигарбандимнинг тақдирдан безовта эдим. Ижтимоий ҳимоя йилининг шарофати билан у талабалик бахтига мурасар бўлди. Эътиборга муҳтож инсонларни қўллашдан ортқ савоб иш борми?

Ҳа, Усмонали отанинг ўзи ҳам Юртбошимизнинг: «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак», деган даъватига сидқиқ дилдан амал қилиб келаётган бағри кенг, мурувватли инсонлардан экан. Қўлимизда туман ҳокими қарори, унда шундай сатрлар бор:

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Эртош-2 маҳалласида қишлоқ шифокорлик пункти қурилишига ҳомийлик қилаётган ва маъзур тибиёт маскани учун томорқасидан ер ажратишга розилик берган фуқаро У. Исабековнинг таъаббуси қўллаб-қувватлансин. Эртош-2 маҳалласидаги жомеъ масжиди ва хотира майдони фуқаро У. Исабековнинг маълум қисми маблағи ҳисобига, халқ ҳашари йўли би-

лан қурилиши маълумот учун қабул қилинсин...»

Ҳозирги кунда эртошликлар учун аталган янги фельдшер-акушерлик пункти қуриб битказилди, Эртош жомеъ масжиди биноси янгидан тикланди. Биланларнинг ҳар иккаласи ҳам замонавий услубда қурилди. Пардозлаш, ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам савоб ишга ўрганган одам, доимо эл дарди билан яшайди.

Президентимиз ташаббуслари билан ўтганлар ёди қадр топиб, қабристонлар ободонлаштирилмоқда, – дейди Усмонали ота. – Тарих фани ўқитувчиси сифатида Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги кўпгина китобларни ўқиб чиққанман. Уруш даҳшатлари нима эканлигини яхши биламан. Илоҳим, фарзандларимиз, набираларимиз доимо тинчликда яшасин. Бунга ишонаман. Лекин уларни ҳар қадамда ёмонлар кўтқусидан эҳтиёт бўлишга ўргатишимиз лозим. Ёлғиз Эртош қишлоғидан урушга кетган ўттиз беш киши она юртига қайтиб келмаган. Ана шу йигитларнинг номини абадийлаштириш учун қишлоқ қабристони олдида алоҳида тарх асосида хотира майдони қуришни бошлаб қўйганман. Атрофини гулзор қилиш мақсадида янгидан қўрғонлаямиз. Келгусида бир-бирига ёндош жойлашган масжид, қабристон, ўртада хотира майдони қуриб, аҳоли, айниқса ёшлар учун маънавий-маърифий, ватанпарварлик туйғуларини шакллантирувчи зиёратгоҳга айланади.

Нокматарликка йўймасангиз, кўнглимга тугиб қўйган яна бир ниятимни айтмоқчи эдим. Эртош олис тоғ оралиғида жойлашган. Аҳоли имкон қадар қулай бўлган жойларга ўй қурган. Шунинг учун хонадонлар тарқок. Қишлоқ марказидаги 37-мактабга қатнаш эса кичик ёшдаги ўқувчилар учун қийин. Келажакда жамғармадан мактабнинг бошланғич синфлари учун филиал қуриб берсам дейман.

Усмонали отанинг самимий суҳбатидан руҳланиб, бундай ширин ташвишлар, албатта, маблағсиз ҳал бўлмаслиги ҳақида сўз очганимизда, у киши:

– Улғулардан қолган гап бор. Берилган айтилмайди, олинган айтилади. Чунки, берганини айтиш миннат бўлади. Олганини айтиш эса миннатдорчилик бўлади, – дедилар.

Бу ҳақда Охангарон тумани, Кўксарой маҳалла фуқаролар йиғини раиси Холмирза Утанов шуларни сўзлаб берди:

– Эртош-2 маҳалла аҳолиси Исабековлар оиласини яхши билади. У олти ўғил, уч қизнинг отаси, ширин-ширин набиралар бобоси. 37-мактабда ўқиб, шу ерда етакчиликдан директорликкача кўтарилди. Усмонали ака қирқ икки йиллик қадрдон масканига тез-тез келиб туради.

Ўғиллари, келинлари қабил олти километр масофадан ариқ қазиб буюқ сувини олиб келишди. Қазилар қийин бўлган жойларга қувур ётқизишди. Шундай қилиб, тўрт гектар қаровсиз ер ўзлаштирилиб, бог яратилди. Оралиқдаги қиялик ерларга сувсизликка чидамли хашакнинг маданийлаштирилган навини экиб, пичанзор ташкил этилди. Бу серхосил пичан кўп йиллик ўсимлик бўлиб, чорва молларини боқиб ва семиртиришга мўлжалланган.

Қисқаси, бутун оила аъзолари – ўғил-қизлар, келин-куёвларнинг заҳматли меҳнатлари туйғули ўзлаштирилган ерда ҳосил мўл бўлди. Етиштирилган пичан ҳисобига чорва моллари кўпайтирилди.

Ҳўлас, икки мингга яқин аҳолиси бўлган Эртош қишлоғида яратилаётган қулайликлар, шарт-шароитларда Усмонали Исабеков каби мурувватли инсонларнинг ҳиссаси катта.

Шу ўринда Юртбошимизнинг ибратли фикрларини келтирмоқчимиз:

«Бундай бағри кенг, олиҳимик ватандошларимизни ҳар томонлама қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим».

Сайёра ЭШМАТОВА.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури – амалга

КОЛЛЕЖЛАР БИЛАН ТАНИШМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Таълим ва мутахассислик» мавзuida кўргазма очилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, ёш авлод камолоти йўлида ғамхўрлик қўрсатиш, фарзандларимизнинг ҳар томонлама чўқур ва пухта билим эгалаши, жамиятда ўз муносиби ўрнини топишига қўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривож-

лантириш Давлат умуммиллий дастури бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳаликимиз миллий менталитети билан уйғунлиги, босқичма-босқичлиги, изчиллиги, ўз-вийлиги ва узлуксизлиги билан аҳамиятлидир. Айни пайтда юртимизда ёшларнинг мукаммал билимга эга бўлишлари баробарида, уларнинг қизиқиш ва интиллариини инобатга олган ҳолда касб танлашига ақиндан қўмаклашиш ва йўналиштириш, таълимнинг келгуси босқичлари билан қамраб олиш, иш билан таъминлаш

борасида ҳам катта ҳажмдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу йил иккинчи марта ташкил этилаётган маъзур кўргазманинг ўзига хос жиҳати ундаги иштирокчи таълим масканлари – юртимиздаги муайян мутахассислик бўйича ўрта махсус, касб-хўналар даргоҳлари, олий ўқув юртилари, таълим марказлари сони икки баробар ортган. Айни пайтда бу ерда ёшлар хорийқ таълим масканлари, университетлар фаолияти билан ҳам танишишлари мумкин.

– Ушбу кўргазмага келганлар мамлакатимизда ёшларнинг чўқур билим олиши ва ўз салоҳиятини кенг намойиш этиши борасида катта ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилаётганига яна

бир бор гувоҳ бўлади, – деди пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 235-мактаб ўқувчиси Феруза Исломова. – Мен келгусида либослар дизайни бўйича мутахассис бўлмоқчиман. Кўргазмада ушбу йўналишга ихтисослашган ўрта махсус, касб-хўналар ҳамда олий таълим даргоҳлари ҳақида кенг маълумотлар олишга мурасар бўлдим.

Уч кун давом этадиган маъзур кўргазмада йигит-қизлар юртимиздаги юзга яқин касб-хўналар коллежлари, олий таълим даргоҳлари, илмий-маърифий марказларда ёшларнинг таълим-тарбия олиши учун яратилган шароитлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўладилар.

Назакат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

ЭЪТИБОРСИЗЛИКДАН КИМЛАР АЗИЯТ ЧЕКАЯПТИ?

Юртимизда Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча элементлар мавжуд ва уларнинг кўпи йирик қонлар сифатида ишлаб турибди.

Бир қарашда чеки йўқ бўлиб қўринган бундай миллий бойликларимиздан бири – табиий газнинг ҳам ўлчови, чегараси бор. Лекин афсуски, ҳалигача айрим фуқароларимиз бу бебаҳо бойлигимизни исроф қилаётганликлариини ўйлаб ҳам қўрмайдилар.

Ачинарлики, айримларнинг ҳотамтойлиги ён қўшниларига зарар келтираётди. Ортиқча исрофгарчиликни қамтитирасан, маҳаллага нафит тегади, деган фикр ҳаёлларига ҳам келмайди. Бундай хонадонларга бориб кўрсангиз, газ ҳисоблагичи йўқ, тўлов ҳам ўлда-жўлда. Баъзи ҳолларда ўғринча ёқилар ҳам кузатилади.

Пскент туманидаги Янгиобод маҳалласи, Олмазор кўчасида яшовчи бирнеча фуқароннинг имзоси билан олинган шикоят хати Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари вилоят ҳудудий бирлашмасига келиб тушган, мутахассислар масалани жойига чиқиб ўрганишди. Бу жараёнда шу нарса маълум бўлдики, М.Шокирова, Х.Охунова, Р. Маннопов, Н.Исаматов хонадонларида йилнинг март ойидан декабрь ойигача газ таъминоти бирмунча яхши бўлади. Қолган ойларида эса газ босими пасайиб қолади. Сабби, ушбу хонадонлар кўчанинг охирида жойлашган, юқори ҳовлиларда қишда газга бўлган эҳтиёж ортиши оқибатида босим охиригача етиб бормайди.

Ушбу ҳолат сабабини аниқлаш мақсадида ўрта хонадон батафсил ўрганиб чиқилди. Улардан тўққизта-сидга газ ҳисоблагич йўқлиги маълум бўлди. Бешта хонадондаги ҳисоблагичларни олиб ташлаш ҳақида ёзилган аризага туман газ-

лаштириш идорасининг раҳбари рухсат берган. Бунга паст босимдаги газ оқими ҳисоблагич механизминини айлантира олмай тўхтаб қолиши сабаб қилиб қўрсатишган.

Хонадонларни айланиш мобайнида маҳалла идорасидан 100-150 метр узоқликда жойлашган Эргаш Олимжонов хонадонида иссиқхона ҳисоблагичсиз табиий газ билан иситилаётгани ошкор бўлди.

Қизғин шунданки, бундай ҳолатларни тартибга солиб турувчи маҳалла фуқаролар йиғини идорасининг ўзида ҳам газ ҳисоблагич ўрнатилмаган. Маҳалла ҳудудий профилактика инспектори хонаси, чойхона ҳам ана шу иситиш тармоғига уланган. Давлат ҳисобидан «ҳотамтойлик» қилиниб, бу ерда ёқилган газ учун ҳисоб-китоб қилинмаганига нима дейсиз?

Ана шундай «эътиборсизлик»лар оқибатида газ таъминоти издан чиққанлиги кўриниб турибди. Кимлардир қўлбола иситиқларда хонадонини, иссиқхоналарини, жамоат биноларини исрофгарчилик билан иситаяпти, кимлардир чой қайнатиш учун газга зор бўлиб ўтирипти. Ташкилотчилик бўлмаган, назорат сусайган жойларда шундай номуна-носиллик юзага келади. Бу ўринда газ таъминоти идорасининг назорат ишлари сусайиб кетганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Масалани жойида ўрганиш натижасида таёйрланган ҳужжатлар тегишли ташкилотларга юборилди.

Орзукул БОБОМУРОДОВ,

Истеъмолчилар

ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш жамиятлари

вилоят ҳудудий

бирлашмаси бош

мутахассиси.

Темур ХАЙДАРОВ.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«МИНГ СЎМ ЭМАС, МИЛЛИОН ТОП»

(24.01.2007)

Ушбу сарлавҳали мақолада вилоятнинг айрим шаҳар-туманларида йўловчи ташиш билан шугўллаб-наётган уюшмалар фаолиятидаги нокунуний ҳолатлар қаламга олинган. Шу жумладан, Янгийўл шаҳрида рўйхатдан ўтган «Автомобили-Собижон» уюшмасидаги айрим транспорт воситалари ҳеч қандай лицензия варақасисиз ёки бошқа уюшмага тегишли ҳужжатлар билан ишлаётгани ҳақида сўз

юритилган эди.

Ушбу мақола юзасидан шаҳар ҳокими ўринбосари К. Тошматов имзоси билан жавоб мактуби олинди. Унда айтилишича, мақола Янгийўл шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг 2007 йил 2 март кундаги йиғилишида муҳокама этилган. Уюшма томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида комиссия

аъзоларига аниқ вазифалар юкланган, мутасадди ташкилотлар ўзаро ҳамкорликда мунтазам рейдлар уюштириши белгиланган.

Бироқ «Минг сўм эмас, миллион топ» сарлавҳали мақола 24 январь куни газетда чоп этилган, комиссия эса уни нима учундир орадан бир ярим ой ўтиб, муҳокама қилган. Ёки, мутасаддилар тахририятдан сўровнома келишини кутишдикикин?



БАРАКАДАН ДАРАК БОР

Бободехқонлар «Ҳамал кирди – экинларга амал кирди» дея беҳиж айтишмаган. Дарҳақиқат, айни вақтларда ғалла майдонларидаги яшил майсалар авж олиб, таъбир жоиз бўлса, эл-юрт насибаси кўкка бўй чўзмоқда.

– Кузда яхши ният билан 10 гектарга барака уруғларини сочган эдик, – дейди оққўрғонлик фермер Файрат Норжигитов. – Агротехника қоидалари, хусусан, ерни ма-

ҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклан-тиришга етарли эътибор қаратганимиз бос, экинимиз ҳолатидан кўнглимиз тўқ. Ғаллага ўроқ тушганда ҳосилдорлики 50 центнердан оширишни мақсад қилганмиз.

СУРАТДА:

фермер Файрат Норжигитов (ўнгда) ғаллазорда.

Пардавой ЭРҒАШЕВ олган сурат.

КЕКСАЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Ўртачирчик туманида вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилган тадбирга юз-дан зиёд отахон ва онахонлар тақдир этилди.

Юртимизда кексаларга алоҳида эҳтиром ва ғамхўрлик қўрсатиш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш, саломатлигини муҳофаза қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбир иштирокчилари шу хусусда сўз юритиб, кексаларга иззат-иркомда бўлишдек халқимизга хос фазилатлар истиклол йилларида янада қучайгани, айна мақсадда қўрилаётган чора-тадбирлар кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишига айланишини таъкидладилар.

Тадбир таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар концерти билан аяқланди.

Л. СУВОНОВ,
ЎЗА муҳбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХўНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-хўналар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги тартиби» Р-2146-сонли Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасасининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	Ўртачирчик тумани "Тўйтепа" ижтимоий-иқтисодиёт коллежи	Ўртачирчик тумани, Тўйтепа ш. Инд. 702304

II. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хўна таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигидаги 2005 йил 28 март 1461-сонли «Ўрта махсус, касб-хўна таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагоглари бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида»ги низомининг янги тахририни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига биноан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Директорнинг ҳўжалик ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:

1. Охангарон тумани "Нуробод" қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиёт КХК.

III. Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хўна таълими тизимида педагогик иш стажига эга, таянч маълумотли таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

IV. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳўжатларни тақдим этадилар:

1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хўна таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;

2. Шаҳар (туман) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);

3. Таълим муассаси директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);

4. Сўровнома;

5. Тарҳиима; хол;

6. Маълумоти ҳақидаги ҳўжат ва унинг ксероноусхаси;

7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳўжатлар ва уларнинг ксероноусхаси (мавжуд бўлса);

8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

9. 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6 донга);

10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтирий шаклда ёзган режиси (концепция);

11. Ҳарбий гувоҳномаининг ксероноусхаси;

12. Паспорт ва унинг ксероноусхаси (тураржойи билан);

13. Меҳнат дафтарчасининг ксероноусхаси.

14. Олдинги ёки ҳозирда ишлаб турган иш жойидан тавсифнома.

Ҳўжатлар Эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қўйраб тумани, Геофизика кўрғони.

Телефон: 66-09-59.

«ШИКОЯТДАН МУДДАО НИМА ЎЗИ?»

(21.02.2007)

Юқоридаги сарлавҳа билан эълон қилинган мақолада муҳбиримиз охангаронлик Тўйчибек Давроновнинг шикоятини ўрганиш натижаларини баён қилган эди. Хусусан, асоссиз «ёз-ёзлар», текширтектирлар туман мутасаддиларининг жонига теккани, шикоятларда қўрсатилган муаммолар назорат идоралари томонидан

ўрганилавериби, сийкаси чиқиб кетгани, иддаолардан бирор асос топилмагани қайд этилганди.

Ушбу масала бўйича Охангарон тумани ҳокими М. Мирзабоев имзоси билан жавоб олинди. Унда айтилишича, Т. Давроновнинг мақсади ўзи илгари ишлаган «Янги ҳаёт» ҳўжалигига ветеринария шифокори бўлиб қайта тикланишдир. Лекин жамоа уни қабул қилишни истамапти. Бу масала

бўйича 2004 йилдан буён суд инстанциялари унинг аризаларини рад этиб келган.

Ҳокимлик трмонидан Т. Давроновга ўз касби бўйича бошқа вазифалардан ишлаш ёки белгиланган тартибда ер олиб деҳқончилик билан шугўлланиш тақдир этилган. Бироқ, у бу тақдирларга қўнмаган.

Мурожаатлар ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими.

(Рўқнинг давоми.
Боши 1-бетда).

Маҳаллий матбуотга бир назар

Ҳукукий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти шариоатида яшаймиз. Фикрлаш эркинлиги ва хилма-хиллиги жамиятдаги янгилашни жаъраёнларига ижобий таъсир кўрсати-

ши табиий. Бунинг матбуотимизнинг қўйи бўғини – шаҳар ва туман газеталари, хусусан, Зангиота туман «Истиқбол» газетаси саҳифаларида ҳам кузатиш мумкин.

Оммавий ахборотнинг хилма-хил воситалари, интернет ҳар бир қишлоққа кириб борган бир пайтда туман ёки шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси ўз «юзи»ни топиб олиши мушкул. Гоҳи тахририятлар олди-қочди воқеалар ҳақидаги ҳикоялар гирдобидан қутула олмапти. Баъзи газетаси саҳифалари «Бир қайнови ичида» хангомалардан бўшамаяпти. Ҳатто, катта-кичик минбарлардан иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳақида ёзиш эски замон матбуотидан қолган сарқит, бу газетани қизиқарсиз қилиб қўяди, деб даъво қилувчилар ҳам топилиб қоляпти.

Лекин, «Истиқбол» саҳифаларини кўздан кечириб, тахририят ижодий жамоасининг изланишлари билан танишиб, бундай даъволарнинг мутлақо асоссиз эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Газета – туман ҳаётининг кўзгуси, – дейди бош муҳаррир Абдусаттор Хатамов. – У туман ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётининг барча жиҳатларини ёритиб бориши керак.

Шу нуқтаи назардан қаралса, «Истиқбол» саҳифаларида қишлоқда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, одамлар дунёқарашида содир бўлаётган ўзгаришлар ўзининг муайян ифодасини топаётгани яққол кўринади. «Фермернинг ҳар қуни қимматли», «Маҳалла оқсоқоли қандай бўлмоғи керак?», «Қишлоққа малакали кадрлар», «Компьютерлашган чорвачилик фермасида», «Бу ишга умримизни бағишладик», «Етти ўғлининг онаси фермер бўлди», «Дунёқараши кенгаётган кичкинтойлар», «Раҳбар бўлиш осонми?», сингари сарлавҳаларнинг ўзиданоқ газета чиқишларида қанчалик жиддий масалалар қўйилаётганлиги, улар анча қўлланган эканлигини илғаб олиш қийин эмас.

Қишлоқ ҳўжалик касб-ҳўна қоллежини олти йилда 595 ёш битириб чиққанлиги, фермер-ўсимликшўносчилик, тўқувчилик, ҳайдовчилик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўна-

лишлари бўйича билим олган йигит-қизларнинг 90 фоизи ишга жойлашиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб олаётганлиги ҳақидаги мақола ўқувчини лоқайд қолдирмайди. Ёки собиқ «Тукимачи» ширкат ҳўжалиги ҳаётига бағишланган бир саҳифа мақолани олайлик. Муаллиф ўзи, юрти, Ватани учун тер тукиб ишлаётган пудратчиларнинг меҳнат завоқи, ўзи етиштирган бугдой нони тотли тўюлган гал-

са, шаҳид бўлганларнинг исм-шарифлари ёзилган зарҳал китобни варақлаб, таниш исм-фамилияларга кўзим тушганида ҳаяжоним янада ортди. Бугунги бахтимиз учун жон фидо этганлар хотираси олдида бош эгдим. Тинчликнинг энг буюк неъмат эканлигини яна бир бор ҳис этдим».

Газета маънавий-ахлоқий муаммоларни кенг ёритаётди. Унинг саҳифаларини кўздан кечириб, бу бора-



лакорларнинг ҳис-туйғулари ҳақида мароқ билан ёзади. «Хур дийр фарзандлари» сарлавҳали мақолада 4-14 ёшли санъатсевар болалар кўрик-танлови қандай ўтганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Ёш рассомлар, ўймакорлар, зардуўларнинг ижодий кўргазмаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотгани таъкидланади.

Умуман, газета ўз саҳифаларида ўқувчи ёшлар, ўсимлар тарбияси муаммоларига бирмунча кенг ўрин бераётди. «Синфдош» саҳифаси фикримизнинг далилидир. Унда ёшларнинг ибратли ишлари, орзу-умидлари, қизиқиш ва интилишлари, айна пайтда ички дунёси, муаммолари кенг очиб берилаёпти.

Чўночи, «Таассурот» руқни остида эълон қилинган мақолада ўқувчи қиз хотира майдони зиёрати чоғидаги кечинмаларини шундай ифодалайди: «Вужудимни қандайдир тушуниб бўлмас бир ҳаяжон қоплади. Айниқ-

даги ижодий изланишлар бир неча йўналишларда олиб борилаётганлигини кўрасиз. «Турфа тақдирлар», «Оғриқли нуқта», «Ҳаёт сабоқлари», «Зиё масканида» сингари руқнлар остида эълон қилинаётган мақолалар фикримиз далилидир. Газета ўз саҳифаларида эзгулик, саховат, инсонийлик ишонарли очиб берилган ўқишли мақола ва лаҳзаларга кенг ўрин бераётди. Чўночи, Катортал қишлоқ хотин-қизлар кенгашининг раиси Нодирахон Жўрабоевнинг «Тахт эмас, бахт яратайлик» сарлавҳали мақоласида кўтарилган муаммолар газетхонлар ўртасида кенг фикр олишуга сабаб бўлди. Уларнинг хилма-хил мулоҳазалар билдирилган мактублари «Акс-садо» руқни остида эълон қилиб борилди. Гап шундаки, муаллиф ўз мақоласида никоҳ тўйини ўтказиш билан боғлиқ оғриқли муаммоларни қаламга олганди.

«Кўнгилхўшлик оқибати... фоҳиша», «Урганган кўнгил... наҳотки ўртанса қўймас», «Отамга қарашга одам ёллаймиз» сарлавҳали мақолаларда ахлоқсизлик, маънавий тубанлик қаттиқ танқид қилинади.

Газетанинг бундай чиқишлари низоҳатда таъсирли бўлаётди. Бунинг унинг саҳифаларида «Истиқбол»да босилганидан сўнг, «Бизга жавоб берадилар», «Акс-садо» руқнлари бот-бот кўзга ташланаётганлигида кўриш мумкин.

Ҳа, дарвоқе, газета саҳифасидан яна ҳам кенгроқ фойдаланиш мақсадида тахририят телекўрсатув дастурларини эълон қилишдан ҳам воз кечди. Табиийки, савол туғилади: «Бу газетанинг ададига таъсир кўрсатмасмикин?»

– Йўқ, – деди суҳбатимиз якунида бош муҳаррир. – Аксинча, ажойиб замондошларимиз фазилатлари, маънавий-ахлоқий муаммолар очиб берилган мақолалар одамларда катта қизиқиш туғдирипти. Бунинг шундан ҳам кўрса бўладики, айтилиш, ўтган йили ноябрь ойида газетанинг адади 1000 нусхага тушиб қолган бўлса, бугун газетамиз 2584 нусхада чоп этилиб, обуначиларга тарқатиляпти.

Яна бир гап. Тахририятда ким билан гаплашмайлик, туман ҳокимлиги ўз матбуот нашрининг мазмун-мундарижаси билан мунтазам қизиқиш, ижодкорларни мақсадли йўналтириб туришини алоҳида таъкидлашди. Бу газета мундарижаси кенгайиб бориши, мақолалар ўқишли, таъсирчан чиқишига сабаб бўлаётди.

Табиийки, туман журналистлари эътиборидан четда қолаётган мавзулар ҳам йўқ эмас. Чўночи, газета саҳифаларида спорт, айниқса, болалар спортини ривожлантириш мавзусидаги чиқишлар суст. Тадбиркорлик ҳаракати, кичик бизнес муаммолари, айниқса, қўшма қорхоналарда ишлаб чиқаришнинг таҳлилига бағишланган мақолалар кам. Бунинг «Истиқбол» ижодкорларининг ўзлари ҳам билишади. «Бу ҳолатдан чиқиб олиш ҳаракатидамыз», дейишди тахририятда. Биз ҳам бунга ишондик. Чўночи, газета ўз «юзи»ни топиб олганлиги бу муаммони бар-тароф этиш изланувчан тахририят ижодкорларининг қўлидан келишига ишончли кафолатдир.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

Хорижий сармояли «SANOATQALINQOG'OZSAVDO»

очиқ акциядорлик жамияти

азиз юртдошларимизни саодатли айём —

Наврўзнинг

ўлкамизга ташифи муносабати билан
самимий қўтлаб, хонадонларга хотиржамлик,
шахсий ҳаётларида бахт, шодлик
ҳамроҳ бўлишини тилайди.

Ижтимоий ҳимоя йилида
мамлакатимизда хайрли, саховатли
ишлар янада кенг қанот ёзаверсин!

Республикамиз вилоятларидан ташқари хорижий
давлатларга кенг турдаги картон ва гофрокартон
қутилари, толали плита ҳамда санитария-гигиена
қоғозларини шартнома асосида етказиб бераётган
корхона Савдо-саноат палаталарини, уларга аъзо
бўлган барча турдаги субъектларни икки
томонлама манфаатли ҳамкорликка чорлайди.

Манзил: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри.

Телефон: (8-37066) 2-66-51, факс: 2-70-50.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Норхўжаев кўчаси, 56-уй.

Телефон: 191-59-69, факс: 293-33-78.

ҲУРМАТЛИ ВАТАНДОШЛАР!

«ҲИСОР ТОҒИ»

маъсулияти
чекланган
жамияти

Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини ҳамма
ўз мижозларини байрамларнинг
энг фусункори бўлган

Наврўзи одам

билан дўстона муборакбод этади.
Республикамизда кўзларни қамаштирувчи
иншоотлар йил сайин кўпаяверсин.

Корхона давлат ташкилотлари ва хусусий
бўйртмачиларнинг талаблари асосида
қурилиш-монтаж ҳамда таъмирлаш ишларини
Европа дизайни асосида амалга оширади.
Иш сифати ва суръатига кафолат беради.

Манзил: Тошкент вилояти, Паркент тумани,
Юксалиш кўчаси, 50-уй. Телефонлар: 322-03-90, 322-35-84.

ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

жамоаси вилоят аҳолисини

Наврўз шодиёнаси

билан чин қалбдан муборакбод этади.

Ҳар бирингизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик,
оилаларингизга осуда ҳаёт, ҳамжиҳатлик,
бахту саодат тилайди.

Эзгу ниятларингиз ва орзу-ҳавасларингиз
бекаму кўст ижобат бўлсин.

Миллатимиз ва мамлакатимиз номи асрлар оша
мағрур жаранглаб, дунё халқларининг
ҳавасини келтираверсин!

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

Тошкентда 14 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида шашка бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бошланди.

ЎСМИРЛАР ДОНА СУРИШМОҚДА

Унда Эрон, Корея, Афғонистон, Туркменистон ва бошқа қатор давлатлардан келган юздан ортиқ ёш шашкачилар иштирок этишяпти. Улар орасида ўзбекистонлик 13 нафар ёш спортчи доня сурмоқда.

Иштирокчилар 29 мартта қадар классик турда баҳс олиб борсалар, 30-31 март кунлари тезкор шашка бўйича беллашадилар.



СУРАТДА:

дастлабки баҳслардан лавҳа. Даврон АХМАД олган сурат.

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 2008 йили Хитой пойтахти Пекин шаҳрида бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларининг саралаш босқичида муваффақиятли иштирок этмоқда.

ДЎСТОНА НАТИЖА

28 март кун Вадим Абрамов ва Миржалол Қосимов мураббийлик қилаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси саралаш босқичининг учинчи тур учрашуви сафарда Жанубий Корея футболчиларига қарши ўтказди. Ҳамюртларимиз гуруҳ пешқадамлари ўртасидаги муҳим беллашувга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида пойтахтимизда Россия ёшлар терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Қизиқarli ўтган учрашувда 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди.

Маънавият

ЙЎЛОВЧИГА УЧ САВОЛ...

Ҳаётнинг йўллари узун. Мўъжизалари бисёр. Турмуш ташвишлари билан андармон йўловчилар эса унданда бисёр. Уларга боқиб туриб, «кенга — кенг дунё»нинг сабоқларидан завқингиз тошиб, хузуранасиз...



Шоҳбекатда одам гавжум. Ҳамманинг фикр-хаёли тезроқ манзилларига етиб олиш. Аммо вақт қурмагур бетизгин. Шундан ҳамма бегоҳат, асаблар таранг. Ҳатто, бир отахон вазмингига тўрхалталарини йўл ёқасига чиқариб қўйган, кўларини соёбон қилиб йўлга тикилади, пешма-пеш одам ташиётган маршрут таксиларни қўйишга ҳам рағбати йўқ. Нимагадир безовта. Отанинг киффаси хар қандай ҳайдовчининг эътиборини тортиши табиий.

— Отахон, йўл бўлсин, манзилингизни айтинг, йўлимиз бир бўлса, олиб кетай, — деди норгўлига йигит айтиш «Тикондан тусиб».

— Ўқийдиган неварамни кўришга кетаётган эдим. Тураржойини ҳам аниқ билмаман. Шунга қоронғуда қолиб кетамани, деб...

— Отахонни қузатиб турган икки йигит гапга қўшилди.

— Ака, йўл ҳақини арзонроқ қилсангиз, биз ҳам кетар эдик, шовиб турибмиз. Ҳайдовчи қўлиб қўйдим.

— Текинга олиб кетсамчи, нима дейсизлар?

— Э, ака, биз жиддий сўрабмиз. Ҳазиллашадиган нима йўқ. Ётоқхонага эрта-роқ бормасак, киритишмайди.

— Мен ҳам жиддий гапиряпман. Қани, ўтиринглар. Фақат бир шартим бор. Уни йўлда айтман.

Икки йигит ўзларича ҳадиксираб, ҳайрон туришганди, шовфёр гап ютди:

— Қизик, бепул обориб қўяман десам ҳам ишонмайсизлар. Майли, шартини айтмай. Йўл-йўлакка учта савол бераман, агар жавоб топа олсангиз, йўл ҳақи ўзингизга сийлов, мендан мукофот!

Кўринишидан оддий, сўзлари самимий ҳайдовчига қизиксиниб, талабгор йўловчилар қўлайиб қолди.

— Э, кеңирасизлар, мен ўз ишим билан кетаяпман. Отахоннинг хурматлари, тўхтадим. Ахир, савоб ҳам керак-ку? Лекин кўриб турибсиз, тўрт қишлоқ ортиси сиймайди, узр.

Хуллас, орқа ўриндиқда уч киши, олдинда отахон, «Тикон» ўрнидан қўзғалди.

— Ярим соатда етамизми, ака? — деди йигитлардан бири бегоҳат бўлиб.

— Қизик экансизлар-ку? Ахир, бир соатлик йўлга ярим соатда қандай етамиз? Яхшиси саволимни тингланг: «Нима учун Ўзбекистоннинг келажаги буюк?»

Отахон бир қимирлаб қўйди. Эндигина оғиз жуфтламоқчи эди, ҳайдовчи:

— Отахон, жавоб ёшлардан бўлсин. Сиз бу саволга жавоб топишингиз аниқ, — деди.

Йигитлар ўйлаб қолиш-

ди. Хар ҳолда асосли жавоб бўлмаса, йўл ҳақи тўланади. Ўзларича билангил қилишди: Ўзбекистоннинг доғруғи бутун жаҳонга машҳур. Мустақил давлат. Қазилма бойликлари кўп...

— Яна нима дея оласиз?

— Йигитлар жим...

— Энди иккинчи саволни эшитинг. Амр Темур бобоимизнинг қўч-қудрати нимада бўлган? Учунчиси: Ўзбекистон Байроғи ва Давлат гербининг тавсифи қандай?

Йўловчилар аввалига тортинишдими, жим ўтиришни маъқул кўришди. Шунда ҳайдовчи Ўзбекистон, унинг сарҳадлари-ю, жаҳонда тутган ўрни, яқин келажақда бўладиган оламшумул воқеалар, бунёдкорлик ишлари ҳақида шундай ихлос билан сўзлади-ки, ўз дардлари билан овора йўловчилар, аниққас, икки йигитнинг ўзини тўтиши, гап оҳанги ўз-ўзидан ўзгарди-қолди.

— Ака, кечирасиз-у бу ёққа келаётганда, бизга ҳамроҳ бўлган ҳайдовчи катта-катта пул, мол-дунё топиш ҳақида, чет элларга бориб, ишлаб келаётганлар ҳақида гапирганди...

— Афсус, шундай фикрлайдиган, фақат бугунги кун билан ашайдиган, қорингамида, ор-номуси, ҳақиқатини унутиб қўйган худбинлар учраб турипти. Тунов кун сизлар қатори икки йигитни кўрдим. Ўзларича замонавий: бошида дуррача қилиб боғланган рўмол, эғнида олақурак ич кийим, йиртиқ-йиртиқ шим. Чет элга ишлаш учун кетаётган эмиш.

«Нима, бу ерда иш топиладими?», десам, «у ёқларда» пулни ахши тўлашармиш.

Хой, инсон, қўзингни оч, атрофга қара, шу тоғдан пулни Ватанингдан йироқда, аллақимларнинг ҳолатхонасини тозалаб, қадр-қимматини оёқ-ости қилишингга арзиримкан, дедим.

Ахир, хар бир неъматнинг уволи бор. Бориди қадрига етмай, кейин афсус-надомат қилгандан кўра, кўпни кўрган кексаларнинг сўзларига қўлоқ сол...

Кўп гапирмай қўя қолай, аммо, қорин тўқ бўлсам, кўз оч бўлса, уни тўйдириб қийин. Бундай кишиларнинг эътиқоди суст, иродаси заиф бўлади.

— Ўғлим, мабодо касбингиз ўқитувчилик эмасми? — сўради отахон хайрихоҳ оҳанда. — Қани энди ҳамма ҳам сизга ўхшаб фикрласа.

Амир Темур ҳақида жуда ўришли савол бердингиз. Унга Соҳибқироннинг ўз сўзлари билан жавоб бериш мумкин. Яъни — «Кўч — адолатда». Адолат эса кишининг атрофидаги, қўл остидагиларини, яшаб турган ерига, қўйингки, хар бир хатти-ҳаракатига бўлган муносабатиди кўринади. Одамда

эътиқод мустақкам бўлиши керак. Ўз юрти, қавмини қадрлайдиган инсонларда эътиқод бўлади, имони бутун бўлса, ҳеч қачон ўз Ватанига хиёнат қилмайди.

— Э, ашанг, отахон, мен асли ҳуқуқшуносман. Касб тақозоси билан кўп ўқиш, кўп жойларга боришга тўри келган. Ўша, ўзини дунёда энг қучли санайдиган чет элларда ҳам бўлганман. Шунинг учун таққослаш маъносиди айтман. Хар нима бўлганда ҳам Ўзбекистонни эъл аъло мамлакат, халқини оқил, доно, алломалар юрти дегим келади.

Ватанимиздаги улғ бунёдкорлик ишларини кўра олиш керак. Хар қандай мушкулотларни енгишга қодир халқимиз бор. Мен оқорида Ўзбекистон раизлари ҳақида бекорга сўрамадим. Ахир уларнинг моҳирлиги билиш ҳам эътиқоднинг бир қўриниши эмасми?

Ватанга ҳурмат, ўзалигимизга эътиборни аналтмайди-ми?!

— Мен билсаман, — деди кўзлари ёниб, йигитлардан бири.

— Ана, кўрдингизми? Юрагингизда, қалбингизда Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатнинг бир учкуни бу.

Халқимизнинг дунёвий илм-фан, маданият, санъат соҳасидаги алоҳида ўрни борлиги кўп таъкидланган. Буни оддий ишларда ҳам пайқаш мумкин-ку! Аждодларимизнинг номи дунёнинг у бурчагиди ҳам улғ инсон сифатида эъозланиб тилга олинса, бу биз учун фахр, ғурур эмасми?

Дунёнинг етти мўъжизасидан бири «Тоғмаҳал»ни кўрдирган қим? Самарқанд, Бухоро, Хивани хали айтганим йўқ.

...Ўзини Юсуф Эшмўмин деб таништирган ҳолатбарор ҳайдовчи йўловчиларни манзилларига элтиб қўяр экан, кўнглида қандайдир илқ ҳарорат, ҳажжонни туйди. Бу ватандошларига, инсонларга, ўзи ашайтган она замин, Ватанга бўлган адоқсиз меҳр-муҳаббат туйғуларини эди. Энг қизғин, йигитларнинг хайрлашиш олди-дан айтган дил сўзлари бўлди:

— Ака, суҳбатингиз туфайли тақдиримиз хал бўлди десак ишонасизми?

Очиги, биз ҳам бориға қаноат қилмай, «мўмай пулни қандай топсак экан?» деб, хатто, ўша сиз айтган чет элларни ҳам орзулаб юрган эдик. «Ватандан ахши ёр бўлмас», деганлари бежиз эмас экан...

Раҳмат, сизга! Юсуф уйига келгач, ўриндиқларда қолдирилган йўл ҳақини кўриб, мийғида қўлиб қўйдим...

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Азиз юртдошлар, ҳамкасблар!

Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими

Сизларни озод ва обод

Ватанимизга ярашиғлик улғ айём —

Наврўз билан

самимий қўтлаб, эзгулик йўлидаги хайрли ишларингизга омад ёр бўлишини тилайди.

Юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг илм-фан соҳасидаги изланишлари куртак ёзаверсин.

Ҳар бир ўғил-қиз ўз иқтидори, меҳнати билан эртанги кунимизнинг ишончли ворисларига айлансин.



Қилмиш-қидирмиш

«ОВЧИЛАР»НИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари металлари айланма йўллар орқали қўшни давлатларга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш, дала ҳовлиларидан, қорхона ва фуқароларнинг хонадонларидан ўғирланган рангли металл буюмлар ва кабелларни сотаётган шахсларни аниқлаш мақсадида рейдлар ўтказишмоқда.

Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида Ангрен шаҳрининг 5/5-даҳаси 33-уй олдидан 63 метр кабелни олмалиқлик Игорь Тен ўғирлаб кетганлиги аниқланди.

Қибрай тумани Янгиобод, Геофизика, Тузель шаҳарчалари аҳолиси, Чингелди маиший хизмат коллежи жамоаси телефон тармоғининг ишламаётганидан алоқа бўлимига тез-тез арз қила бошлашди. Текширишлар кимдир алоқа кабелларини ўғирлаб кетаётганини кўрсатди.

Шундан сўнг туман ички ишлар идоралари ходимларидан иборат тезкор гуруҳ тузилиб, бу жиноятни фощ этишга киришилди. Воқеа жойлари кўздан кенчирилганида, бир вақтнинг ўзига 100-150 метр кабел ўғирланган маълум бўлди. Демак ўғирлар ёлғиз эмас эди. Суриштирувлар натижасида 3-4 нафар 22-23 ёшли йигитлар шу атрофда тез-тез пайдо бўлиб туриши аниқланди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида бу жиноий гуруҳнинг фаолиятига чек қўйилди.

Андрей Кондрашев ёш бўлса ҳам жиноий хатти-ҳаракатлари учун бир неча бор жазога тортилганди. Бирок, у тегишли хулоса чиқармай, шериклари Виталий Панов, Эдман Абдураимов ва ҳали 16 ёшга ҳам тўлмаган Набижон Қодиров билан биргаликда кабел ўғирлашда гўмонланди.

Тунги соат 23 ларда у шериги Виталий билан болта, пичок, сим

кесиш учун махсус арраларни олиб, Геофизика кўчасидаги симёғочларга тортилган алоқа кабелларидан 150 метрини ўғирлаб кетди. Бир ҳафтадан сўнг икки «дўст» айнаи шу қўздан яна 50 метр кабелни гўмон қилди.

Бу гуруҳнинг яна бир жиноий хатти-ҳаракати Қибрай телефон тармоғига катта зиён етказди. 2006 йил 14 ноябрь кун тунги соат 23 ларда улар Чингелди маиший хизмат коллежи ҳудудидаги алоқа қудуғини очиб, хар метри 10 минг 538,3 сўм турадиган кабелдан 270 метрини кесиб кетишди. Янгиобод қишлоғидаги Дўстлик кўчасидан ҳам 230 метр алоқа кабелни ўмардилар.

«Дўст»лар ўғирланган сим ва кабелларни асосан Мирзо Улғубек туманидаги «ТТЗ» бозорига сотиб, даромадини хомталаш қилиб юришган. Улар шу тарика тўққиз мартаба ўғирлик содир этиб, Қибрай ва Мирзо Улғубек туманлари алоқа тармоқларига 17 миллион сўмдан зиёдорқ моддий зарар етказдилар.

Лекин ички ишлар ходимлари жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб борган тезкор ҳаракатлар натижасида бу жиноятчи гуруҳ ҳам қўлга олинди. Қилмиш-қидирмиш дегани шунда.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

ТАЛАБАЛАР ҲУЗУРИДА

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида «Китоб — маънавият бешиги» мавзусида кеча бўлиб ўтди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ўқитувчи ва мураббийлар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, олий ва ўрта махсус таълим даргоҳлари талабалари иштирок этди.

Анжуманда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустақамлаш, миллий қадриятларимиз, аънава ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, аниққас, ёш авлод қалби ва онига она юртга муҳаббат, истиклол гоғларига садоқат туйғуларини чуқур сингдиришда китобнинг ўрни бекиёс экани таъкидланди.

Анжуманда атоқли адиб номи билан аталувчи нашриёт-матбаа ижодий уйида кейинги пайтларда нашр этилган асарлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

ЎЗА.

Сканворг

Душман			Спектакл сузати мўжодор	Кўркам	Саҳифа	Вақиллик	Франция футбол клуби	Ибо, ҳаё
Сатир	Хуффия яширин	Муҳаммад асари Алос тағасс				Яқин қарин дош		
Ўпқадат ҳаво	Кўмуш ёри Енги		Автомобил қисми			Италия пойтахти	Тузук	Мирқасим (ёзувчи)
							Тақин чўқ тури	
Швед кварти	Толо			Кийим қўйи қўйи				Шон
		Кўка сузати «жоза»	Мар тарин тури				Юмуш	
Еккан, хушбуй	Браун	Мўғул қалани		Перу пойтахти				
Чорва оузқис		Дада (пеш)	Юқлама	Қирғиз улаши			Майда, зарра	
	Из зоти		Малла	Нихо				
Тур, хил	Қайғу		Георг (Физик)				Асогар до... соғда	Витчи

Тузувчи Нурулло НЎМОНОВ.

26-ҳаво Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 28 март кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамолнинг тезлиги қучайиб, секундида 15-17 метрга етиши мумкин. Кечаси 6-8, кундузи 10-12 даража илиқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда қучайиб, секундида 17-22 метрга етади. Кечаси 5-10, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

Чилонзор туманидаги «UMFA SERVIS SAVDO» (ОКПО 21393009) **ТУГАТИЛАДИ.** Давволар эълон қилган кундан бошлаб 1 ой давомида 278-43-02 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
136-53-09.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалама ва эълон берувчилар масъулдир.